

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида:
УДК: 657.6:346:005.915(575.1)

НОРМАТОВА ГУЛМИРА ХАЙРУЛЛАЕВНА

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ЖОРИЙ
АКТИВЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ

08.00.08 - “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори,
профессор **А.Х. Пардаев**

ТОШКЕНТ - 2025

РЕЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ЎРНИ, АҲАМИЯТИ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1.1. Хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг мазмун-моҳияти ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти.....	14
1.2. Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва ташкилий асослари.....	31
1.3. Жорий активларнинг иқтисодий талқини ва унинг стратегик бошқарув ҳисоби вазифалари.....	45
<i>I-боб бўйича хулосалар.....</i>	<i>51</i>
II-БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ҲОЛАТИ	54
2.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш йўналишлари.....	54
2.2. Дебиторлик қарзларининг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш йўналишлари.....	70
2.3. Пул оқимларининг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш.....	81
<i>II -боб бўйича хулосалар.....</i>	<i>89</i>
III-БОБ. ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	92
3.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари	92
3.2. Товар моддий захираларнинг стратегик бошқарув ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш.....	108
<i>III -боб бўйича хулосалар.....</i>	<i>115</i>
ХУЛОСАЛАР.....	117
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	120
ИЛОВАЛАР	128

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида айланма маблағларни етишмаслиги, корхоналар капитали айланишининг секинлашуви, ликвидлик даражасининг пасайиши ва молиявий барқарорлик каби муаммолар мавжуд. COVID-19 ва инфляция бу муаммоларнинг янада глобаллашувига олиб келди. Ушбу муаммоларни юмшатиш учун жаҳон банки гуруҳи томонидан «2020 йилнинг апрелидан 2021 йилнинг охиригача 157 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш амалга оширилди»¹. Жорий фаолиятни таъмин этиш учун етарли миқдорда жалб қилинган айланма маблағлар бир томондан самарали фойдаланиш ва бошқаришни талаб этса, иккинчи томондан ҳаққоний ва қатъий ҳисоб ҳамда назоратнинг бўлишини тақозо этади. Шу сабабдан ҳам барча мамлакатларда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг айланма маблағлар билан таъминлаш даражасини яхшилаш мақсадида унинг ҳолати, миқдори, фойдаланилиши ҳамда молиявий ҳолат тўғрисида ҳаққоний ахборотларни тайёрлаш ва тақдим этиш долзарб масала ҳисобланади. Бу ўз навбатида халқаро даражада жорий активлар ҳисобини гармонизациялаш ва бир хил тартибга келтиришни тақозо этади.

Жаҳонда сўнгги йилларда жорий (айланма) активлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларда уларнинг таркиби, тан олиш, баҳолаш, молиявий ҳисоботда акс эттириш, ликвидлик даражасини аниқлаш каби масалалар ўз ечимини топомқда. Лекин, ушбу эришилган натижаларнинг ривожланаётган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган корхоналар амалиётига жорий қилиниши тўлиқ амалга оширилган эмас. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МХХС) амалиётга жорий қилишда илмий жамоатчиликни кенг жалб қилиш, халқаро эътироф этилган қоидалар ва тамойилларни ривожланаётган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган корхоналарга жорий қилиш бўйича тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Жумладан, халқаро стандартлар асосида корхона ҳисоб сиёсати

¹ <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/about/annual-report>

даражасида жорий активларни туркумлаш, таркибини белгилаш, баҳолаш ҳамда ликвидлик даражасига қараб молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш борасида услубий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2021 йилдан эътиборан акциядорлик жамиятлари ҳамда йирик солиқ тўловчи ҳисобланган корхоналарга МҲХСлар асосида молиявий ҳисобот тузиш ва тақдим этишга ўтказиш вазифаси юклатилди. «Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш»² мақсадининг тараққиёт стратегиясига қўйилиши ҳам ташкилотларида айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда унинг ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди. Шу билан бирга ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар, жумладан захиралар, олинадиган счётлар, сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган узоқ муддатли активлар, жорий солиқ активларини тан олиш, баҳолаш, бухгалтерия ёзувлари ва ишланмаларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ келадиган форматини ишлаб чиқиш, айниқса жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш масалалари ўз ечимини тўлиқ топган эмас. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш корхоналарда жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш юзасидан илмий изланишларни олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда бухгалтерия ҳисоби фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот йўналишида салмоқли натижаларга эришган қуйидаги хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқотларини эътироф этиш мумкин: К.Друри, А.Апчерч, Б.Нилдз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, Г.Антони, С.Давидсон, В.Нордхаус, П.Самуэльсон, Ч.Хорнгрен, Ж.Фостер³. Тадқиқотлар доирасида ушбу олимларнинг илмий тадқиқот натижалари атрофлича ўрганиб чиқилди.

Бошқарув ҳисоби муаммолари, хусусан стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган МДҲ мамлакатларининг иқтисодчи олимларидан И.Волков, М.Грачева, О.Николаева, О.Алексеева, В.Палий, А.Шеремет, С.Полякова, Т.Шишкова,

³Друри К. Управленческий и производственный учет. Учебник. / К.Друри. – М., ЮНИТИ, 2015. – 1423 с., Апчерч. А. Управленческий учет: принципы и практика / Алан Апчерч. - М.: Финансы и статистика, 2017. – 952 с., Б.Нилдз. Принципы бухгалтерского учета/ Б. Нилдз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл; под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1993. – 496 с., Anthony, G. Hopwood Handbook of Management Accounting Research / Anthony G. Hopwood. – М.: Наука, 2016. – 280 с. Christopher, S. Chapman Handbooks of Management Accounting Research 3-Volume Set,1-3 / Christopher S. Chapman. – М.: ИЛ, 2015. – 774 с., Davidson S., Maher M., Stickney C., Weil R., Managerial accounting in Introduction to Concepts, Methods, and Uses, третье издание, издательство The Dryden Press, отделение Holt, Rinehart and Winston, New York, 1988. – P. 926., Innes J., Mitchell F. The Process of Change in Management Accounting: Some Field Study Evidence // Management Accounting Research. 1990. Vol. 1. P. 3-19., Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. – М.: 1995, – 415 с.

Я.Соколов, И.Кондратова, В.Керимов, К.Янковский⁴ларнинг ишларини алоҳида эътироф этиш, мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда ҳам мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил, шунингдек бошқарув ҳисоби ва унинг айрим соҳа ҳамда муаммоларига бағишланган адабиётлар, илмий мақолалар, ўқув ва услубий қўлланмалар чоп қилинмоқда. Булар жумласига А.Абдуғаниев, Н.Абдусаломова, А.Авлоқулов, О.Бобожонов, К.Жуманиязов, А.Ибрагимов, А.Каримов, М.Калонов, У.Костаев, Б.Махсудов, Д.Мамадияров, Х.Ортиқов, М.Пардаев, А.Пардаев, Ш.Пардаева, Н.Ризаев, О.Собиров, Б.Хасанов, И.Ғиёсов, Б.Эшнаевларнинг⁵ тадқиқотларини киритиш мумкин. Мазкур муаллифларнинг илмий тадқиқотлари натижалари муҳим илмий-амалий

⁴И.М.Волков, Грачева М.В. Проектный анализ: финансовый аспект. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Экономический факультет, ТЕИС, 2000. – с. 99., Николаева О.Е., Алексеева О.В. Стратегический управленческий учет. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – 26, 289-298 с., Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2003. – 456 с., Шеремет А.Д., Николаева О.Е., Полякова С.И. Управленческий учет. – М.: ИД ФБК-Пресс, 2005. – 344 с., Управленческий учет: официальная терминология СИМА/Пер, с англ. О.Б. Николаевой, Т.В. Шишковой. – М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2004. – с 155-156., Соколов Я. В. Управленческий учет: учебник / Я. В. Соколов. СПб.: Магистр, 2015. – 455 с., И.Т. Кондратова. Основы управленческого учета. – М.: Финансы и статистика, 1999. – 144 с., Керимов В.Э. Управленческий учет на предприятиях розничной торговли / В.Э. Керимов, Е.В. Иванова, Р.А. Сухов. - М.: Экзамен, 2016. - 160 с. Керимов, В. Э. Управленческий учет. Практикум / В.Э. Керимов. - М.: Дашков и Ко, 2015. - 100 с., Янковский, К.П. Управленческий учет/ К.П.Янковский, И.Ф.Мухарь. - М.: Книга по требованию, 2017. - 368с.

⁵ Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишнинг назарий ва амалий асослари: и.ф.д. дис. автореф. – Тошкент: 2005. – 41 б., Абдусаломова Н.Б. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2019. – 384 б., А.Авлоқулов. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. / Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. – Тошкент, 2019 йил, 71 бет., Бобожонов О., Жуманиязов К. Бошқарув ҳисоби. – Т., ТДИУ, 2005. – 368 б., Ибрагимов А. Как учитывать затраты в сельском хозяйстве // Рынок, деньги и кредит. – Ташкент, 2000. – №2. – С.60-63., Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография.- Тошкент, “Iqtisod-Moliya”, 2008, - 152 б., Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш./ Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2019 йил, 71 бет., Костаев У.У. Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари: Монография/ У.У.Костаев; - Т.: “Iqtisod-Voliya”, 2020. – 180 б., Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобининг ташкилий асослари ва услубияти. и.ф.н. дисс. – Т.:, 1997. – 146 б., Мамадияров Д.У. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва унинг услубиятини ривожлантириш. и.ф.н. дисс. – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2007. – 21 б., Ортиқов Х.А. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўллари. и.ф.н. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 1997. – 24 бет., Пардаев М.К. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. и.ф.д. дисс. – Т., 2002. – 383 б., Boshqaruv hisobi: Darslik /Pardayev A.X., Pardayeva Z.A.; – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 556 б., Пардаева Ш.А. Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. /Монография – Т.: “Lesson Press” нашриёти, 2022., 124 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. дисс. – Т., 2004. – 345 б., Собиров О.О. Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари. /Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, ТМИ, 2022 й., 57 б., Хасанов Б.А., Ибрагимов А.К, Ризаев Н.К. // Амалий бошқарув ҳисоби. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма:- Т.,”Молия”,2014.-404 б., Ғиёсов И.К. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари. /Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2020 й., 58 б., Эшнаев Б.Т. Бошқарув ҳисоби ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг таҳлили. и.ф.н. дисс. – Т.: 2006. – 23 б.

аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда бошқарув ҳисобининг ташкил топиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишлар бошқарув ҳисобининг умумназарий жиҳатлари, методологик асослари, хўжалик юритувчи субъектнинг айрим фаолият ва соҳаларини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, айрим олинган хўжалик юритувчи субъектда стратегик бошқарув ҳисобини, ва айниқса жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини амалий жиҳатдан ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган реал амалиёт муаммолари ва уларни ижобий ечиш масалалари батафсил тадқиқ этилмаганлиги тадқиқот мавзусини танлашга ва унинг мақсадини аниқлаш заруриятини вужудга келтирди. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

стратегик бошқарув ҳисобининг, шунингдек жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисоби моҳияти ва мазмунини очиқ бериш, глобаллашув шароитидан келиб чиқиб мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, унинг мазмунини белгиловчи категориялари ҳамда кўрсаткичлари бўйича таклифларни умумлаштириш ва гуруҳлаштириш;

стратегик бошқарув ҳисоби, шунингдек жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этишга бўлган мавжуд ёндашувларни танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

жорий активларнинг муҳим моддаси бўлган харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш учун анъанавий тарздаги усуллари танқидий таҳлил қилиш асосида унинг замонавий усуллари хўжалик юритувчи субъектлар амалиётида самарали тарзда қўллаш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш;

харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичлар базасида интеграллашган модел асосида ташкил этиш борасида илмий жиҳатдан асосланган таклифларни ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик қарзларининг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва уни самарали тарзда юритиш бўйича амалий таклифларни шакллантириш;

пул маблағлари оқимининг стратегик бошқарув ҳисобини баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимига асосланган ташкилий, техник ва услубий блокларни ўзида мужассам этган ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича илмий жиҳатдан асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Toshkentvino kombinati” акциядорлик жамияти таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, анкета сўровномаларини ўтказиш, натижаларини эксперт баҳолаш, иқтисодий таҳлил ва иқтисодий-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини қиймат занжирининг харажат категориясига асосланган «харид таннархи – қайта ишлаш харажатлари – устама харажатлар» занжири асосида ташкил қилиш асосланган;

молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичлар базасида таннархни калькуляция қилишнинг тўғри чизиқли ва норматив усуллариини интеграллаштириш асосида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик қарзлари стратегик бошқарув ҳисобининг беш босқичли алгоритмини қўллаш асосланган;

пул маблағлари оқимининг стратегик бошқарув ҳисоби бўйича баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимига асосланган ташкилий, техник ва услубий блокларни ўзида мужассам этган ҳисоб сиёсати таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

бошқарув ҳисоби, шунингдек стратегик бошқарув ҳисобининг мақсади, вазифалари, уни ташкил этиш тартиби, назорат қилиш шакли, кўламини белгилаб бериш бўйича ривожланган бозор муносабатларига эга давлатлар, МДХ мамлакатлари ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимларнинг қарашлари ва мулоҳазалари танқидий ўрганилган, таҳлил қилинган ва муаллифлик ёндошуви шакллантирилган;

умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг миллий амалиётимиздаги учта усулига қўшимча тарзда, ишлаб чиқариш ҳажми (қуввати) ва технологик жараёнлар хусусиятидан келиб чиқиб, айти пайтда хорижда самарали тарзда қўлланилаётган яна 4 та усулини миллий амалиётимизга жорий этиш механизми таклиф этилган;

жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш мақсадида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг мавжуд меҳнат, молиявий ҳамда моддий имкониятларидан ва сотув логистикаси хусусиятларидан келиб чиқиб, узоқ истиқболда самара бериши мумкин бўлган “ташилган (ишлаб чиқарилган ва сотиш учун жўнатилган маҳсулот турлари)

юкларнинг ҳажми ва оғирлигига нисбатан” умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш усулидан фойдаланиш таклиф этилган;

стратегик бошқарув ҳисобини стратегик мақсад карталарини ва дастурларини шакллантириш, улар асосида эса баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимини (БКТ) ишлаб чиқиш, БКТни четланишларини ҳамда бажарилишини баҳолаш учун эса унинг самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) жорий этиш таклиф этилган ва бу тизимнинг ишлаш механизми кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги ўрганилган хорижий адабиёт ва назарий маълумотларнинг бирламчи ва расмий манбалардан олинганлиги, натижаларнинг халқаро даражадаги амалий семинарларда муҳокама этиб борилганлиги, тадқиқот натижалари, хулоса ва тавсияларининг амалиётга кенг жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан баҳоланади. Шу билан бир қаторда, диссертацияда қиёсий таҳлил, иқтисодий, молиявий таҳлил методларининг қўлланилиши тадқиқотчи илгари сураётган ғоя ва таклифларни назарий жиҳатдан ҳаққонийлигини асослашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш, такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш имкониятини яратиб бериши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ҳамда амалий тавсиялардан мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъект раҳбарларига, хўжалигининг мулк шакли ва фаолият туридан қатъий назар жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш, уни юритиш ва натижаларини ҳисобга олишга услубий жиҳатдан тўғри ёндашиш имконини берганлиги, хўжалик юритувчи субъект харажатларини бюджетлаштириш, уни ҳисобга олиш ва назорат қилиш имкониятларининг яратилиши, прогноз кўрсаткичларини тўғри шакллантириш, истиқболда ўзгаришларини кузатиш,

натижа ва четланишларини таҳлил қилиб бориш ва пировард натижада бевосита иқтисодий самаранинг ўсиши таъминланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини қиймат занжирининг харажат категориясига асосланган «харид таннархи – қайта ишлаш харажатлари – устама харажатлар» занжири асосида ташкил қилиш бўйича таклифи Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Toshkentvino kombinati” акциядорлик жамиятида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда фойдаланилган. (Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Toshkentvino kombinati” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 28 ноябрдаги 02/694-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида комбинатда яхлит тарзда, шунингдек унинг алоҳида олинган таркибий қисмлари, хусусан, масъулият марказларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини бюджетлаштириш асосида калькуляция қилиш имконияти яратилди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархни алоҳида маҳсулот турлари бўйича масъулият марказларига тегишли қисмини унинг ўзида ҳисобга олиш имконияти пайдо бўлди;

молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичлар базасида таннархни калькуляция қилишнинг тўғри чизиқли ва норматив усулларини интеграллаштириш асосида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш бўйича берган таклифи Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Toshkentvino kombinati” акциядорлик жамиятида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда фойдаланилган. (Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Toshkentvino kombinati” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 28 ноябрдаги 02/694-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида комбинатда маҳсулотлар билан бир қаторда бизнес-жараёнларини ва унга таъсир этувчи номолиявий кўрсаткичларни ҳам ҳисоб объектлари сафига киритиш ва алоҳида ҳисобга олиш имконияти яратилди;

хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик қарзлари стратегик бошқарув ҳисобининг беш босқичли алгоритмини қўллаш бўйича берган таклифи Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Toshkentvino kombinati” акциядорлик жамиятида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда фойдаланилган. (Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Toshkentvino kombinati” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 28 ноябрдаги 02/694-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф дебиторлик қарзлари бўйича вариация коэффицентини, ўртача квадратик четланиш кўрсаткичи миқдорини, Жинни ҳамда Херфиндаль коэффицентларини аниқлаш имкониятини яратди. Натижада бевосита комбинат таркибидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик қарзлари миқдорини оптималлаштириш вариантларини аниқлаш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш имкониятлари яратилди. Шунингдек, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда истиқболга мўлжалланган стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва самарали олиб бориш имконини берадиган тизимни шакллантиришга имконият туғилди. Бунинг натижасида 2024 йил якуни бўйича комбинат миқёсида муддати ўтган дебиторлик қарздорлик миқдорини 1,3 млрд. сўмга камайтириш имконияти яратилди;

пул маблағлари оқимининг стратегик бошқарув ҳисобини баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимига асосланган ташкилий, техник ва услубий блокларни ўзида мужассам этган ҳисоб сиёсатини шакллантириш орқали ташкил этиш бўйича берган таклифи Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Toshkentvino kombinati” акциядорлик жамиятида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда фойдаланилган (Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Toshkentvino kombinati” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 28 ноябрдаги 02/694-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф комбинат таркибидаги хўжалик юритувчи субъектларда пул оқимларининг стратегик бошқарув ҳисобини тўрт босқичда, масъулият марказлари кесимида ҳамда баланслаштирилган кўрсаткичлар базасида ташкил этиш имкониятини яратади. Натижада пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг халқаро стандартлар талабига жавоб бериши, пул оқимлари тўғрисида

истиқболга мўлжалланган стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун уни исталган вақтда ва тезкор режимда таклиф этилаётган 4 та масъулият марказлари кесимида маълумотларни олиш имкониятини яратилади. Комбинат раҳбарияти томонидан стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун оператив ва узлуксиз тарздаги ахборот таъминоти тизими шакллантирилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.